

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 28 июль, № 147 (5314)

Пайшанба



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Истиқлол халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадимий қадриятларимиздан бири — тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг йўл очиб берди. Пировардига у нафақат даромад манбаи, балки яратувчилик, бунёдкорлик ва тараққиёт воситасига айланди. Айниқса, иқтисодийнинг эркинлаштирилиши, мулкчилик муносабатларининг кенгайтирилиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланиш борасидаги ислохотларнинг тобора чуқурлаштирилиши бошқа соҳалар қаторида тадбиркорлик тараққиётини ҳам жадаллаштириб, қутилганидан юқори натижаларга эришиш имконини бермоқда.

ОИЛАВИЙ БИЗНЕС

тадбиркорлик ривожини, мамлакат тараққиёти ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга

Ялпи ички маҳсулотда унинг улushi 1991 йилдаги қарийб 2 фоиздан 2010 йилда 52,5 фоизга етгани, бир йил ичида 480 мингта иш ўрни яратилгани, бунинг 60 фоизи қишлоқларга тўғри келгани аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда, ёшларни касб-хунарга ўргатишда муҳим аҳамият касб этмоқда, тадбиркорлар эса жамиятимизда нуфузли катламга айланиб бораётган. Бироқ соҳа самарадорлигини янада ошириш учун, Президентини Ислом Каримов Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида алоҳида таъкидлаганидек, бугунги кунда кичик бизнес ва ху-

сусий тадбиркорлик доирасини кенгайтириш лозим. Бундай субъектларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, ўз навбатида,

хос тараққиёт йўли ва маънони ифода этади. Аниқроқ қилиб айтганда, оилавий тадбиркорлик — юридик шахс мақомидаги оилавий корхона аъзо-

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида энг муҳим тадбирлардан бири бўлиши зарур.

Оилавий бизнес, масалан, тадбиркорлик шаклларида бири хисобланади. Ушбу тушунча юртимизда асосан иқтисодий механизмлари асосда ҳўжалик юртида бошқа тоифадагиларга нисбатан кам қўлланилаётган бўлса-да, ўзига

лари маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишдан тортиб, уларни истеъмолчиларга етказиб беришга бўлган жараёнда билан шуғулланиш орқали табақалаштирилган меҳнат даромадларига эга бўладиган, шахсий мулкка асосланган, муайян мақсадга йўналтирилган хусусий тадбиркорлик фаолиятидир.

Қишлоқ аҳолиси учун, табиийки,

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ Кўриб чиқилди

27 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф қилинган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга темир йўлда ташини хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу лойиҳа темир йўл транспорти объектида хавфсизлигини таъминлашнинг миллий тизимини янада такомиллаштириш, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат хавфсизлиги ва барқарорлиқга таҳдид солувчи фавқулодда вазиятлар юзга келишига йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқилган.

Атрофлича муҳокамадан кейин депутатлар Қонунни қабул қилдилар. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилди. «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қамоқда сақлаш жойлари фаолиятининг қонуний асосларини шакллантиришга, қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга, миллий қонунчиликни ўшбу соҳадаги халқаро мезонларга мувофиқлаштиришга қаратилган. Кун тартибига ки-

ритилган навбатдаги масала — «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси юқоридаги ҳужжатнинг маъноий давомидир. Унда Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг айрим моддаларига тузатишлар киритиш назарда тутилган.

Моддама-модда муҳокама яқунларига кўра, ҳар иккала қонун қабул қилинди ва улар Олий Мажлис Сенатга юборилди.

Шундан кейин депутатлар мамлакатимизда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодий ривожлантиришга, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган бир қатор ҳужжатларни муҳокама қилдилар. Улар орасида «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам бор.

(Давоми 2-бетда).

Фуқаролик жамиятининг муҳим институти

Пойтахтимизда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбир «Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари ва уларнинг олдидан турган асосий вазибалар. Жамиятда жамоатчилик назоратини амалда таъминлашда ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини оширишга доир вазибалари ҳамда жамоатчилик назоратини ОАВнинг ўрни» мавзусига бағишланди.

Анжуманда таъкидлаганидек, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида кенг қўлланли ишлар амалга оширилмоқда. Бугун 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари ислохотларнинг жойларда ижро этилишини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини қўллаб-

қувватлаш, ёш авлоднинг баркамол инсон сифатида тарбиялашда самарали ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида кенг қўлланли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай масъулиятда келмоқда. Бундай масъулиятда келмоқда. Бундай масъулиятда келмоқда. Бундай масъулиятда келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ТАШАББУСКОР, ҒАЙРАТЛИ, ИНТИЛУВЧАН

Инсон ва унинг манфаатлари мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидаёқ «Энг олий қадрият» дея эътироф этилди. Президентимиз томонидан асосланган ва тараққиётимизнинг бош йўлига айланган мазкур давлат сиёсатининг амалий ифодасини бугун ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида яққол кўришимиз мумкин.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Чунончи, хотин-қизларнинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатларини олайлик. Истиқлол йилларида уларни жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли, фаол ва бунёдкор аъзосига айлантириш юзасидан кўпдан-кўп улуг ишлар амалга оширилди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш айна кунларда ва бундан кейин ҳам устувор масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бундай эзгу фаолият Нукус шаҳридаги Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази олиб бораётган кенг қўламли хайрли ишларда ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.

Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, одам савдоси қурбонига айланган хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, жамиятдаги ўрнини топишда йўл-йўриқ кўрсатиш мақсадида марказ томонидан шу пайтгача ташкил этилган анжуман ва суҳбатларда 2 минг нафардан зиёд хотин-қиз қатнашди.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: кашгачи Нисебели Ибрагимова иш устида.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Бир қишлоқда 130 та корхона

НАВОИЙ. Нурота туманидаги Ғазгон қишлоғида ҳозирги кунда тадбиркорлар томонидан ташкил этилган 130 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Чунончи, тадбиркор Хайрулла Яндашев бошчилигидаги «Дилфуза, Сабрина, Парвина» хусусий корхонаси ана шулар жумласидан.

30 миллион сўмлик маблағ эвазига амалга оширилган лойиҳа туфайли бу ерда йилига 2500 квадрат метрдан ортиқ мрамр плиталари тайёрлаш имконияти яратилди. Ҳозир 10 нафарга яқин киши меҳнат қилаётган корхонада дастлабки 500 квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги қурилиш ташкилотларига етказиб берилди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дастлабки маҳсулот — экспортга

ФАРҒОНА. Фуркат туманида жорий йилда 26 та саноат корхонаси барпо этилиши режалаштирилган.

Момик сочиқлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Мангу текс» корхонаси ҳам ана шулардан бири ҳисобланади. 72 миллион сўмлик маблағ эвазига ташкил этилган мазкур корхонада дастлабки 63 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Муҳими, янги корхона туфайли 70 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сифат ва самарадорлик

СИРДАРЁ. Янгиер шаҳридаги «Кармента-Ян-Текс» қўшма корхонасида матога гул босиш ўзлаштирилди.

Бу лойиҳани бажариш учун 112 миллион сўм сарфланди. Корхона фаолиятини кенгайтириш ҳамда янги имкониятларни ўзлаштириш ҳисобига ўнлаб иш ўринлари яратилиши баробарида, ишлаб чиқариш ҳажми деярли икки баравар ортди. Хусусан, бу ерда ўтган йили 2 миллион 711 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилнинг 6 ойи давомида мазкур кўрсаткич 2 миллиард 214 миллион сўмдан зиёдни ташкил қилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Барқарор ривожланишнинг амалий ифодаси

Мамлакатимизда 2011 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил қилди.

Бундай юқори кўрсаткичнинг қўлга киритилгани жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистонга бўлган қизиқшини янада ошириб, уларнинг ҳаваси ва ҳайратини келтираётгани айна ҳақиқат. Негаки, глобал мольвий-иқтисодий инқироз таъсиридан ҳали буткул қутула олмаган қўллаб-даватлар учун мазкур натижага эришиш улкан орзулигича қолмоқда.

Дунё мамлакатларининг иқтисодий аҳоли ва ривожланишига баҳо беришда, энг аввало, ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига эътибор қаратилиши ҳам бежиз эмас. Чунки иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлар, хоҳ у ижобий, хоҳ у салбий бўлсин, биринчи навбатда, ялпи ички маҳсулотда намоён бўлади. Шу маънода айтганда, иқтисодий-иқтисодий жадал ва барқарор ри-

вожланмоқда. Республикаимизда барча соҳада юқори ўсиш суръатлари таъминланаётгани, бундай ижобий ҳол жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида янада мустаҳкамлангани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Таъкидлаш кераки, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, энг аввало, саноатни таркибий ўзгаришнинг янада чуқурлаштириш, иқтисодийнинг муҳим тармоқлари ва соҳаларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, бунинг учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини берапти.

АЗИЗ НЕЪМАТНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗДИР

«Халқ сўзи» газетасининг шу йил 14 июль сонидagi «Яна бир бор Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга оширишнинг оқибатлари тўғрисида» сарлавҳали мақолани ўқиб, изтиробга тушдим. Наҳотки, оқдлий ҳақиқатларни тушуниш шунчалик қийин бўлса? Ахир Тожикистонда қурилиш энг банд — 350 метрлик гидрошоот дунлиши табиат мувозанатини бузади-ку...

Шак-шубҳасиз, собиқ иттифок даврида узокни ўйламай қилинган ишларнинг энг катта таси — Орол денгизига борадиган сувни камайтириш бўлди. Оқибатда Орол қуриди. Туз кўчиб, унинг чангидан бугун бутун минтақа азоб чекмоқда. Деҳқончилик мушкул аҳволга тушди. Умримиз шўр юви билан ўтапти. Экология бузилди. Урта Осиеда яшовчи борки, буни ҳис қилаётди. Қўлни-қўлга бериб, бу бахтсизликни бартараф этиш ўрнига, яна бир таҳликани бошимизга ташлаб

юборишга интилиш — ўта ачинарли ҳол. Президентимиз Роғун ГЭСини эски, алмосқондан қолган лойиҳа асосида бунёд этиш хатарли эканлигини жуда кўп таъкидлаганлари бежиз эмас. Ҳозир XXI аср. Юксак технологиялар даври. Утган асрнинг етмишинчи йилларидаги гоёлар бугунги кунга тўғри келадими? Йўқ, албатта. Шундай экан, аввало бунинг учун таъкидлий олимлар билан масраф этиш ўрнига, яна бир таҳликани бошимизга ташлаб

муносабат олиб, миллионлардан доллар харажат талаб қилган, халқларнинг белини букиб қўядиган ваҳимали қурилишлардан нима наф? Билишимча, ГЭС қурилиши деб халқдан роса пул йиғилган экан. Бу пуллар — пешона тери билан сарсон-саргардонликда, мусофириқда топилаётганини ҳамма билади. Давлат уни «меҳр» билан тортиб олса-ю, эртага бу ГЭС зарар, боз устига, яқин бир-родарлар ва ўзларига кулфат келтирса, фожиали-ку!

Негаки, тоғда кун кўраётганлар ҳам, пастда, даладдада ризқ териб юрганлар ҳам бир-бирига ёмонликни раво кўрмайди. Аксинча, нафс қўлига айланганлар на ўз халқини, на ён қўшнини, на эртанги кунини ўйлайди.

«Бугун — меники. Эрта билан ишим йўқ. Менга қолса, тамом бўлиб кетмайдим», дейди улар. Бироқ, хоҳлайдими-йўқми, ҳисобли, меҳр-оқибатли дунё бу. Ёмонлик қилсанг, ёмонлик қайтади, яхшилик қилсанг — яхшилик. Яратганга шукрона айтиб яшаш ўрнига, унга қарши бориш — ақлсизлик. Ишқилиб, Роғунпарастларга ақл берсин. Шайтон йўлдан урмасин. Ўз халқининг ҳам, бизнинг ҳам мақсадимиз — тинч, осойишта, бахтли яшаш эканлигини зинҳор-базирҳор ёддан чиқармаслик лозим!

Шавкат ТУРСУНОВ, Касби туманидаги «Шавкат» фермер ҳўжалиги раҳбари.

Бир рақам шарҳи



ДОЛЗАРЪ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ушбу лойиҳада ҳуқуқ қўлланилиши амалиёти инobatта олинган ҳолда бир қатор норматив қоидаларга лицензия бериш тартиб-таомилларининг самарадорлигини оширишга ва уларни соддалаштиришга қаратилган аниқликлар киритиш тақдирда этилди. Лицензия олиш вақтида тадбиркорлик субъектларининг харажатларини камайтириш мақсадида ҳужжатда амалдаги Қонуннинг лицензия даъвогар аризасини кўриб чиққанлик учун йўғим микдорини белгилувчи тегишли моддасига ўзгартириш киритиш назарда тутилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси моддама-модда муҳокама вақтида баён этилган фикр-мулоҳазаларни инobatта олган ҳолда, Қонунни қабул қилди. Қонун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Шунингдек, депутатлар томонидан «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Ҳўжалик юритувчи субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги,

лойиҳаси Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалда рўйбга чиқариш ҳамда товар бозорларида монополистик фаолиятнинг олдини олишга, ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни тақомиллаштиришга қаратилган. Молиявий хизматлар бозорига нисбатан монополияга қарши тартибга солишни тақдир этиш қонун лойиҳасидаги

уларни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмиталарга ҳужжатлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалда рўйбга чиқариш ҳамда товар бозорларида монополистик фаолиятнинг олдини олишга, ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни тақомиллаштиришга қаратилган.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган ҳамма ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари саволлар ва тақлифлар билан иштирок этдилар. Депутатларнинг фикрича, мамлакатимизда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш учун шундай ишончли ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратиш лозим, токи ҳар қандай тадбиркор ва хусусий мулкдор ўзи қонуний йўл билан сотиб олган ёки яратган хусусий мулкни дахлсиз эканлигига ишонч ҳосил қилсин. Мамлакатимизда эркин бозор муносабатларини ривожлантиришга, ташкилий тартиб-таомилларни соддалаштиришга, бизнес тузилмаларнинг молия ва ҳўжалик фаолиятига орқивча аралашувларни бартараф этиш, уларга кенг эркинлик бериш орқали иқтисодиётнинг хусусий секторини ривожлантиришнинг янги қудратли омилларини яратишга ҳалақит қилаётган барча тўсиқларни тезда бартараф этиш муҳим эканлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Ҳар бир қонун лойиҳасининг муҳокамаси манфаатдорлик билан, партия дастурлари ва сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инobatта олган ҳолда, фикрлар рақобати ва эркин мулоқот вазиятида ўтди. Сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари муҳокама этилаётган қонун лойиҳаларини янада тақомиллаштиришга қаратилган амалий тақлифлар киритдилар. Улардан энг муҳимлари қонун лойиҳаларини кейинчалик маромига етказиш вақтида ҳисобга олинад.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ТАШАББУСКОР, ҒАЙРАТЛИ, ИНТИЛУВЧАН



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Оролбўйининг марказдан олис Жаслик, Қирққиз, Қорақалпоғистон шаҳарчаларида истиқомат қилаётган хотин-қизлар эса касб ва ҳунарга ўргатилмоқда. Бу борада марказ томонидан турли лойиҳаларнинг амалга ошириллаётгани, айниқса, қўл келаяпти. Нативада унлаб хотин-қизлар касб эгаллиги туфайли ўзларининг доимий иш жойларига эга бўлаётди.

Марказ ходимлари иштирок этаётган хайрли ишлардан яна бири «Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳўқуқларини хаятга кенг тақдир этиш» лойиҳасидир.

— Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича муस्ताқил институт, «Микрокредитбанк» оқиқ акциядорлик тижорат банки ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган мазкур лойиҳадан қўзланган асосий мақсад тадбиркорликка мойил хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларни оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишдан иборат, — дейди марказ раҳбар Айзада Нурибетова. — Ҳозирги кунда Қонлиқул туманида истиқомат қилаётган 78 нафар хотин-қиз шу асосда ўз бизнесини йўлга қўйиб, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантиришга муносиб хисса қўшмоқда.

Яқинда марказ қошида янги қорхона фаолият бошлади. Бу ерга Хитойдан 22 минг АҚШ долларлик замонавий тўқув ва тикув машиналари келтириб ўрнатилди. Қувонарлиси, иш билан таъминланган 22 нафар хотин-қиз қорақалпоқ миллий нақшлари туширилган кийим-кечақлар тайёрлаб, бозорга чиқармоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

АНЖУМАН

Ўрганилиши туфайли истеъмолчилар манфаати учун 6,7 миллиард сўм қайта ҳисоб-китоб қилинди. Йўл қўйилган 319 та қонунбузилиши бўйича иш қўзғатилиб, 307 та ҳолатда эъза кўрсатмалар берилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси бўйича ҳам изчил чоралар

таъминлаш, айниқса, ижтимоий муҳим истеъмол товарлари нархлари асосиде оширилишининг олдини олиш ва реклама фаолиятини соғлом рақобат асосида тартибга солиш мақсадида ўтказилган мониторинглар натижасида 722 та қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Истеъмолчилар томонидан қўрилган зарарнинг 416,7 миллион сўми қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Йилгиларида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қўмитанинг 2011 йилнинг учинчи чорагида амалга ошириладиган ишлари белгилаб олинди.

ЖАРАЁН

Анджонда маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган маҳалла оқсоқоллари ҳамда ушбу соҳа вакиллари Анжон вилоятида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти бўйича тўплаган бой тажрибалар билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, тадбирда ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифалар борасида тақлифлар ўртага ташланди ҳамда маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МЕҲР-ОҚИБАТ ОШЁНИ

Қўп йиллар қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилиб, нафақага чиқдим. Энди оёқни узатиб дам оламанд, деган хайёда эдим, буни қарангки, бир талай эзгу ишлар кутиб турган экан.

Самарқанд шаҳридаги ўзим истиқомат қиладиган «Мир Саид Барака» маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайландим. Маҳалла фаоллари билан бақамти иш кўриб, энг аввало, ижтимоий қўмакка эҳтиёждан оилалар ҳолидан хабар олиш, коммунал хизматлар учун ўз вақтида тўловларни амалга оширишни таъминлашга эътибор қаратдим. Бу энди 2003 йилдага гаплар. Ҳозирги кунга келиб, мазкур тўловлар қатъий тартиб асосида ойма-ой тўлаб борилаётганлиги боис,

нинг ўзида ечим топиш учун ҳаракат қилаямиз. Ушбу хайрли чора-тадбирлар туфайли кейинги йилларда маҳалламизда бирорта ноҳуш ҳолат ёки қонунбузилиши кайд этилмади.

Маҳалламизда 17 миллат вакилларидан иборат 648 насадон мажлис. Улар орасида эртанимиз эгалари бўлиши ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Табиийки, йигит-қизлар тарбиясига алоҳида эътибор билан ёндашув бугуннинг энг муҳим вазифасидир. Зеро, озод юртимизнинг порлоқ келажиги ёш авлодининг маънан ва ҳисмонан етуқ бўлиб шаклланишига боғлиқ. Бундай эзгу мақсадга, ўйлашчмча, ўғил-қизларимиз қалбига она-Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтириш орқали эришиш мумкин.

Шуни инobatта олиб, ўтган йили 50 нафар аlochи ва иқтидорли ёшларни Тошкент шаҳрига саёхатга олиб бордик. Улар пойтахтимизнинг зияратгоҳ гушалари, маданият масканлари, гўзалликда тенги йўқ обод манзилларида бўлишиб, юракда гуруҳ ҳиссини туйишди. Айниқса, Олий Мажлис Сенатига сенаторлар билан бўлиб ўтган учрашув ўғил-қизларнинг ҳуқуқий билим ва тушунчаларини янада бойитишга хизмат қилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Барчамизга яши аёнки, Юртбошимиз раҳамалигиде истиқлолнинг илк йилларида-ноқ, аҳолининг ижтимоий му-

ДИЛ СЎЗИ

Маҳалла фаоллари билан бақамти иш кўриб, энг аввало, ижтимоий қўмакка эҳтиёждан оилалар ҳолидан хабар олиш, коммунал хизматлар учун ўз вақтида тўловларни амалга оширишни таъминлашга эътибор қаратдим. Бу энди 2003 йилдага гаплар. Ҳозирги кунга келиб, мазкур тўловлар қатъий тартиб асосида ойма-ой тўлаб борилаётганлиги боис, маҳалламизда 17 миллат вакилларидан иборат 648 насадон мажлис. Улар орасида эртанимиз эгалари бўлиши ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Табиийки, йигит-қизлар тарбиясига алоҳида эътибор билан ёндашув бугуннинг энг муҳим вазифасидир. Зеро, озод юртимизнинг порлоқ келажиги ёш авлодининг маънан ва ҳисмонан етуқ бўлиб шаклланишига боғлиқ. Бундай эзгу мақсадга, ўйлашчмча, ўғил-қизларимиз қалбига она-Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтириш орқали эришиш мумкин. Шуни инobatта олиб, ўтган йили 50 нафар аlochи ва иқтидорли ёшларни Тошкент шаҳрига саёхатга олиб бордик. Улар пойтахтимизнинг зияратгоҳ гушалари, маданият масканлари, гўзалликда тенги йўқ обод манзилларида бўлишиб, юракда гуруҳ ҳиссини туйишди. Айниқса, Олий Мажлис Сенатига сенаторлар билан бўлиб ўтган учрашув ўғил-қизларнинг ҳуқуқий билим ва тушунчаларини янада бойитишга хизмат қилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Суннат ҚўБАЕВ, Самарқанд шаҳридаги «Мир Саид Барака» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиб.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУҲИМ ИНСТИТУТИ

Ташаббуслар илгари сурилди. Айниқса, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги ролини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бундай микёсда эътибор қаратиллаётгани бежиз эмас. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалда рўйбга чиқаришда маҳалла институтининг ўрни каттадир. Бинобарин, бугунги кунда маҳалла мамлакатни демократик янгилашни чуқурлаштириш, жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим институтга айланмоқда. Буни илгари давлат бошқаруви зиммасида бўлган ўттиздан ортиқ ваколатнинг маҳаллалар томонидан бажарилаётгани ҳам таъкидлайди.

Матбуот анжуманида маҳалланинг бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришда аҳамияти катта эканлиги айтиб ўтилди. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўз ҳудудларида тегишли қонун ҳужжатлари бажарилиши чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинмоқда. Бу борада тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилди. Энг муҳими, мазкур чора-тадбирлар ўрганишлар асосида аниқланган хато ва камчиликларни биргаликда ҳал этиш, мавжуд давлат дастурлари ижроси тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишда қўл келмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

М. ҚОСИМОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида
Йўловчи кўпайган бўлса-да...

Жорий йилнинг биринчи чорагида Ирландиянинг жаҳонга машҳур "Ryanair" авиакомпаниясининг йўловчилар ташиш кўрсаткичи 18 фоизга ошса-да, даромад у даражада кўп бўлмади.

Бунга шу даврда ёнлиги маҳсулотларининг нархи кўтарилгани ва бунинг натижасида компаниянинг ёнлиги маҳсулотлари учун қарийб 50 фоиз кўп маблаг сарфлагани сабаб бўлган. Ушбу ҳолат компания даромадларига ҳам таъсир этмай қолмади.

Савдодаги пасайиш

Европа Иттифоқи ҳудудида энгил автомобилларга талаб пасайиб бормоқда.

Айни пайтга келиб давлат томонидан кўллаб-куватлаш дастурлари сотуви ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 8 фоизга камайган.

Вулқоннинг салбий таъсири

Жорий йилнинг 4 июнь кuni ҳаракатга келган Чилидаги Пуйеуэ вулқонидан ажралиб чиқётган кулли булутлар қитъадаги баъзи давлатларда самолётлар қатнови тўхтаб қолишига олиб келди, дейилади "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабарида.

Жумладан, ана шундай салбий ҳодиса шу кунларда Буэнос-Айрес шаҳрида кузатилмоқда. Кенглиги 400 километрдан ҳам катта кулли булутлар шаҳар осмонини қоплаб олган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтаимиз, Пуйеуэ вулкони 2240 метр баландликда жойлашган бўлиб, охириги бор 1960 йилда юз берган кучли зилзиладан кейин ҳаракатга келганди.



Соҳилдаги сирли ҳодиса

Франциядаги Бретани соҳилбўйида 18 та ёввойи тўғиз жасади топилди.

Бир ой муқаддам ҳам мазкур муассаса ходимлари бу ерда ўнта тўғизнинг жонсиз танасини учратишганди. Ҳозирча бу ҳайвонларнинг ўлимига нима сабаб бўлаётгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Тахминларга кўра, улар соҳилга чиқариб ташланган сув ўтларини еб захарланаётган бўлиши мумкин. Табиийки, мазкур сирли ҳодиса ушбу ҳудудда яшовчи аҳоли ва экологлар ўртасида шов-шувларни келтириб чиқарди.

Вирус тарқалиши тўхтадимми?

Жорий йилнинг май-июнь ойларида Европанинг бир қатор мамлакатларида юз берган ўткир ичак инфекцияси оқибатида одамларнинг захарланиши ҳолатлари барҳам топди.

Бу ҳақда Германиянинг Роберт Кох номидаги касалликларни назорат қилиш давлат институти раҳбари Райнхард Бургер айтиб ўтган. Унинг қайд этишича, инфекция билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодиса сўнгги марта бундан уч ҳафта муқаддам аниқланган.

Маълумот сифатида айтиб ўтаимиз, ўткир ичак инфекцияси билан одамларнинг касал бўлиши дастлаб Германияда қайд этилганди. Кейинчалик уни юқтириб олганлар 4321 нафарга етди.

Самолёт ҳалокати

Марақашда ҳарбий транспорт самолёти ҳалокатга учради.

Кўнгилсизлик мамлакат жанубида юз берган. Оқибатда унинг бортида бўлган 80 нафар одам ҳаётдан кўз юмган. Лайнер ноқулай об-ҳаво шароити туфайли ҳалокатга учрагани айтилмоқда.

Ушбу бахтсиз ҳодиса боис мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

АЛОҚА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

республикаимизнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишида алоҳида ўрин тутуди

Бугунги кунда дунё миқёсида ахборот-коммуникация технологиялари жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Компьютер, мобил алоқа воситалари, почта, интернет, телевидение аллақачон инсоният ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгургани бунинг ёрқин далилидир.

Сарҳисоб

Пойтахтимизда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳайъатининг 2011 йил биринчи ярим йиллиги якунларига бағишлаб ўтказилган йилгиликда шу ҳақда сўз юритилди. Унда тегишли ташкилот ва идоралар ходимлари иштирок этди.

Хусусан, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ аънавий почта алоқаси хизматларини тақдим этиш билан бирга, замонавий технологияларни ҳаётга изчил татбиқ қилаётгани туфайли жойларда хизмат сифати ва суръати тобора ошиб бораёпти.

электрон пул жўнатмалари хизмати ташкил этилгани бунинг тасдиғидир.

Соҳа мутахассислари қайд этганидек, юртимизда интернет ҳам жадал ривожланаётди. Мисол учун, жорий йилнинг биринчи ярмида маълумотлар узатиш, жумладан, он-лайн тармоғига улаб берувчи хўжалик юритувчи объектлар сони 917 та, жамоа пунктларининг сони эса 993 тани ташкил этди.

баробарга оширишга замин яратилди. Шу тариқа республикаимизда он-лайн каналларнинг умумий сифими 12,3 фоизга кўпайди. Мажлисида электрон хўжат айланиши тизими ва уни амалиётга татбиқ этиш, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда уларнинг экспортини ривожлантиришга оид ишлар сарҳисоб қилинди.

ги кунда электрон рақамли имзо калитларининг рўйхатга олиши марказлари сони 9 тага, давлат интерфал хизматлари сони 94 тага, тури эса 384 тага етказилгани айтиб ўтилди. Бундан ташқари, 10900 та ўқув муассасаси "ZyоNET" тармоғига улангани, ахборот-кутубхона марказлари фонди 6718 нусхадаги адабиёт билан бойиб, умумий миқдори 4940188 тага етгани қувонарли ҳолдир.

Санджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

HP ProBook 4520s advertisement featuring a laptop image, Intel Core i5 processor logo, and text: BIZNESNING xavfsizligi, HP Probook 4520s - to'siqlarsiz hayot.

Реклама ва эълонлар
Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантирилиб, унинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий негизи тобора мустаҳкамланаётгани барқарор тараққиётимизни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ҚУВОНЧЛИ НАТИЖАСИ

— Юртбошимиз раҳнамолигида тадбиркорлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин меҳнат қилиши учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди мамлакатимизда «АЗН» савдо белгиси билан танилган корхона директори А. Назиров.

— Яқин йилларга қадар аҳолининг талаб-эҳтиёжи катта бўлган савдо дўконлари учун махсус жиҳозлар мамлакатимизга четдан олиб келинарди, — дейди корхонанинг тайёр маҳсулотларни сотиш бўлими бошлиғи Роман Ковалёв.

TRASTBANK logo and text: Ишонч билан юзма-юз, моамиз янги ускуна ва ашёларни харид қилишда бир неча йилдан буён «Трастбанк» хусусий очик акциядорлик биржа банкининг доимий кўмагидан фойдаланиб келмоқда.

TRUSTBANK advertisement for pipes: Тўшқант Труба Ваводиль ҚК, ўзнда ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.

Эътироф этиш кераки, «АЗН» ОАЖ маҳсулотлари нафақат юртдошларимиз, балки хорижий мамлакатларда ҳам эътибор қозонмоқда. Яқинда корхонанинг юқори сифатли маҳсулотларига қўшни мамлакатлардан ҳам буюртмалар кела бошлади.

20 турдаги нон маҳсулотлари

Навоий шаҳридаги "Қамолот тараққиёти" хусусий корхонасида модернизация тадбирлари амалга оширилган, ишлаб чиқариш ҳажми беш бараварга ортди. Ушбу мақсадлар учун чилар сони эса 40 на банкнинг 65 минг евро фарга етди.

Яхши хабар

Айтиш ҳозирки, корхона жамоаси ҳозир аҳоли дастурхонаси ҳар ойда 60 миллион сўмликдан ортиқ сифатли нон маҳсулотлари етказиб бераёпти.

А. САТТОВОВ.



20 йил. Фахр ва ифтихор билан айта оламизки, бу йиллар юртимиз учун улкан ривожланиш, тараққиёт даври бўлди. Бундан атиги йигирма йил олдин дунёга келган ўғил-қизлар бугун катта ҳаёт оstonасида туришибди. Улар ҳаётимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилишиб, юртимиз равнақи учун ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Кувонарлиси, Мустақиллик тенгдошлари орасида Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш йўлида мардонавор хизмат қилаётган ўғлонлар ҳам кўп. Бу йигитлар ҳақида гап кетганда, файрат-шижоатли, билимли, шурко, интилувчан каби энг сара фазилатлар тилга олинади. Бу таърифларни эшитганда, Ватанимиз келажаги муносиб қўлларда эканлигига яна бир бора ишонч ҳосил қиламиз.

ВАТАНГА ХИЗМАТ САОДАТИ

Бир йигитга қирқ ҳунар оз

Лочинбек Хуррамов болалигидан дурадгорликка қизқиди. Бунда амакиси Жамол ака Тоғаевнинг муносиб ҳиссаси бор. Чунки Жамол ака кўп йиллардан бундан дурадгорлик билан шуғулланиб, шу орқали обрў-эътибор қозонган. Лочинбек ҳам дурадгорликнинг илк сабоқларини амакисидан ўрганди. Аввалги Лочинбекдаги дурадгорликка бўлган қизиқишини шунчаки ҳавас, деб ўйлаган амакиси унинг пишқ-пукта бажарган ишларини кўриб, ундан яхши билгирд чиқишига амин бўлди. Шундан сўнг Лочинбекка дурадгорликнинг барча сирини синаётларини ўргата бошлади. Тинимсиз излаш ва меҳнат самараси узок куттирмади. Дастлаб туманда ўтказилган, кейинчалик эса вилоят миқёсидаги кўрик-танловларда Лочинбекнинг ишлари эътирофга лойиқ топилди.

“Хунарли ҳеч қачон хор бўлмайди. Бу гапларимни ёдингдан чиқарма!” Устози Жамол аканинг ушбу насиҳатига амал қилгани учун ҳам у халқ эътирофига сазовор бўлган эди...

Айни вақтда Куролли Кучларимиз сафида йигитлик бурчини ўтаётган оддий аскар Лочинбек Хуррамов тиришқоқлиги, фаоллиги билан ҳарбий жамоада ўз ўрнига эга бўлиб улгурган. У барча машғулотларда илгорлар сафида бўлишга ҳаракат қилади. Лочинбекнинг машғулотлар ва жамоатчилик ишларида фаоллигидан ҳарбий қисм командир ва офицерлари ҳам мамнун.

— Армия ҳаётига мослашиш менга қийинчилик туғдиргани йўқ, — дейди у мамнуният билан. — Бу ердати шарт-шароит кўнгилдагидек. Хизматдош дўстларим билан худди бир оила аъзоларидек аҳил бўлиб кетдик. Ватан хизматига бел боғлаган йигит борки, бу шарафли бурчини чин дилдан адо этиб, соҳани мукаммал эгаллашга ҳаракат қилади. Келажақда муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб, Тошкент педиатрия тиббиёти институтига ўқишга кирмоқчиман. Чунки шифокорлик касбига меҳрим балинд. Муддатли ҳарбий хизматга қадар мазкур институт қошидаги академик лицейда таҳсил олганман. Шифокор бўлиб, эл саломатлиги йўли-

да хизмат қилиш — энг катта озуим.

Халқимизда “Бир йигитга қирқ ҳунар оз” деган аjoyиб нақл бор. Бу худди Лочинбек сингари йигитларимизга нисбат қилиб айтилгандек гўё. Истиқлолимиз тенгдошлари орасида мана шундай интилувчан, жасур ва шижоатли ўғил-қизларнинг кўпчилиги эса бизни фахрлантиради, албатта.

«Офицер бўлмоқчиман!»

Мустақиллик тенгдоши, оддий аскар Алишер Эшонкулов академик лицейни тамомлаган. Алишернинг бошқа тенгдошларидан ажралиб турадиган жиҳати, у — спортчи. Кўп бора бокс бўйича вилоят миқёсида ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни кўлга киритган. Алишер ҳам хизмат давомида намунали ҳулки, тиришқоқлиги, ўткир зехни билан командирлари эътиборига тушди. Кўп ўтмай, ҳарбий жамоада энг илгор посбонлар қаторида тилга олина бошлади.

— Оддий аскар Эшонкулов гуруҳимда энг илгор посбонлардан бири, — дейди гуруҳ командири, сержант Жамшид Нормуродов. — Маънавий-маърифий, жанговар ҳамда жисмоний тайёргарлик машғулотларида ҳамини олдинги сафда. Хизматдошларига ўрнак бўлмоқда. У берилган топшириқларни ўз вақтида, сифатли бажаради. Шунингдек, соҳа сир-асрорларини мукаммал эгаллашга интилади. Тактик машқларда ўз маҳорати ва билимини намойён этиб, жанговар шайлиққа муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бундай посбонлар ҳарбий жамоамиз фахридир.

Аскарларнинг аълочилар сафидан жой эгаллаши Ватанга бўлган муҳаббати билан белгиланса, ажабмас. Чунки юртига, халқига меҳри балинд посбон хизмат бурчини чин юракдан ўтаб, ўзини ҳар жабҳада кўрсата олади.

— Муддатли ҳарбий хизмат давомида кўп нарсани ўрганаётганман, — дейди оддий аскар Алишер Эшонкулов биз билан суҳбатда. — Чиниқаялман, тобланаётганман. Хизматга келишдан олдин, бу ерда бокс билан шуғулланишга имконият йўқ бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Адашган эканман. Ҳарбий қисмда аскарларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари учун кутубхона ва замонавий спорт зали бор.

Хизматдан бўш вақтларимни спорт залида ўтказаялман. Шу боисдан ҳам машғулотларда узилш бўлгани йўқ. Спорт билан доимий равишда шуғулланганим учун ҳам жанговар ва жисмоний тайёргарлик машғулотларида ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмаялман. Энг асосийси, ўтган давр мобайнида ҳарбийликдек шадрофли касбга меҳрим ошди. Муддатли ҳарбий хизматни тамомлаб, Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртига ўқишга киришни дилгига тугиб қўйдим.

Ушбу сўзларни тинглаб, йилдан-йилга йигитларимиз орасида ҳарбийликка қизиқиш ортиб бораётгани беиз эмаслигига амин бўлдик. Эеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: “Эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўётган минглаб ёшлар учун армия сафарларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пайдевор бўлмоқда, ҳаёт йўлларини танақша, шу жумладан, ҳарбий маълумот олишда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пукта тайёрланган кадрлар захираси, Ўзбекистон келажигини таянчи ва суянчини ташкил этмоқда”.

Алишернинг ҳаётида ҳам, орзу-мақсадларида ҳам муддатли ҳарбий хизматнинг аҳамияти катта. Айнан ҳарбий хизмат тўғрисида у келажак режаларини аниқ белгилаб олди: энди у офицер бўлмоқчи!

Биз юқорида Истиқлол тенгдошлари — Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашдек эзгу ишга бел боғлаган жасур йигитлардан икки нафари ҳақида хикоя қилдик, холос. Холбуки, уларнинг сафи кўп ва ҳар бири ҳақида илқ фикрларни билдириш мумкин. Эеро, зехни ўткир, интеллектуал салоҳияти юксак, энг асосийси, ҳар бирининг ўз мақсади бўлган бундай ўғлонлар юртимизнинг қалқони, ишончи, фахридир.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.

Мустақиллигимизнинг илк йилларида Президентимиз раҳнамолигида таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги тўғрисида бугунги кунга келиб, ушбу тизимда улкан ўзгаришлар кузатишмоқда. Бу борадаги янгиланишлар давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси асосида ҳаётга татбиқ этилган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг изчил амалга оширилганлиги самарасидир.

Хусусан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими таълимнинг ўрта бўғини, ёшларимизнинг орзу-интилишларига мос тарзда замонавий таълим босқичи сифатида шаклланди. Энг муҳими шундаки, бугунги коллеж битирувчиси ишга жойлашишда ҳеч қандай муаммо ва тўсиққа дуч келмайди. Эеро, давлатимиз раҳбарининг ёшларни иш билан таъминлаш, хусусан, коллеж ўқувчисининг битирувчи босқичга ўтганидаёқ аниқ иш жойига эга бўлишини ташкил этиш борасидаги ғамхўрликларини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Хўш, шундай экан, келажакимиз эгаларининг бандлигини таъминлаш қандай ташкил этилмоқда? Битирувчиларнинг бу борадаги фикрлари қандай? Фарзандлари коллежда ўқиётган ота-оналар бу ҳақда нима дейишмоқда? Биз ана шундай саволларга жавоб топиш мақсадида Хоразм вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан олиб борилаётган ишларга эътиборни қаратдик.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2011 йилда касб-ҳунар коллежларини тамомлайдиган 450 мингдан ортиқ ўқувчини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратган эдилар. Хусусан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, айниқса, Қорақалпоғистон

ЭЗГУ ОРЗУЛАР ПАРВОЗИ

балки уларнинг ота-оналарини ҳам хурсанд қилаётир. — Қизим Хива туманидаги тиббиёт коллежини битказмасиданок “Феруз

даланиш бошқармасининг туман бўлимида бошлаганимга анча бўлди. Негаки, амалиёт давридаёқ уч томонлама шартнома асоси-

да бу корхонага ишга жойлашганим. Жамоа мени меҳр ва эътибор билан қарши олди. Билмаганимни ўргатаётган, ўз тажрибалири билан ўртоқлашаётган устозларимдан миннатдорман. Куни кеча биринчи маошимни олдим ота-онамнинг қўлларига топширдим. Улар хурсанд бўлишди. Бу корхонада мен билан бирга ўқиган бошқа



Республикаси раҳбарияти, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари эътибори ушбу масъулиятли вазифага қаратилди, мазкур масала учун шахсан жавобгар эканиларини таъкидлаган эдилар.

Масалани шу нуктага назардан ёндашсак, 2010 — 2011 ўқув йилида вилоятдаги коллежларни 25370 нафар ўғил-қиз битириб чиқди. Улардан 24651 нафар (97 фоиз) битирувчи 2584 та корхона ва ташкилотларга уч томонлама шартнома асосида бириктирилди. Янаш ва иш жойи ораси узок бўлган битирувчилар учун эса корхона ҳамда ташкилотлар томонидан зарур йўналишлар бўйича автотранспорт қатнови йўлга қўйилган.

Эзгуликнинг қаноти бор дейишади. Бугун битирувчиларни аниқ иш жойи билан таъминлашга қаратилган ислохотлар нафақат ёшлар,

КВП”да ўз иш жойига эга бўлди, — дейди Гавҳаржон Раҳмонова. — Биз бундан жуда ҳам хурсандим. Очиги, қизим ушбу соҳани танақша қилиб, ўқисанг-ку майли, аммо битирсанг қандай қилиб ишга жойлашасан, деб хавотирда эдик. Президентимизга мингдан-миг раҳмат. У кишининг ғамхўрлиги ва эътибори тўғрисида бизга ўхшаган кўпбал ота-оналарнинг ташвиши аримокда. Фарзандларимиз ўзлари қизикқан соҳада ўқиб, ишлашлари учун барча шарт-шароит яратилаётир. Бундан қувонмай бўладими?!

— Ойлада тўнғичи менман, — дейди Ҳазорасп иқтисодий коллежини битирган Шербек Жуманазаров. — Коллеж дипломинини яқинда кўлга олдим. Ишни эса туманимиздаги “Туя-мўйин — Урганч” минтақалараро сув қувуридан фой-

да бу корхонага ишга жойлашганим. Жамоа мени меҳр ва эътибор билан қарши олди. Билмаганимни ўргатаётган, ўз тажрибалири билан ўртоқлашаётган устозларимдан миннатдорман. Куни кеча биринчи маошимни олдим ота-онамнинг қўлларига топширдим. Улар хурсанд бўлишди. Бу корхонада мен билан бирга ўқиган бошқа

Миллатнинг онгу тафаккурига баҳо берилганда, энг аввало, унинг маънавий қиёфаси ҳисобга олинади. Шундай экан, бугун ғамхўр Юртбошимиз меҳру муруватидан куч олиб униб ўсаётган йигит-қизлар эртага ишонган тоғимизга айланади. Зотан, уларнинг қамоли йўлдан бугун барча шарт-шароит яратилмоқда, бор имконият ишга солинмоқда. Эзгу ният ва юксак мақсадлар ила кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳеч қачон беиз кетмайди. Бунга ҳали келажакнинг ёруғ манзилларида пешвоз чиққан сайин амин бўлаверамиз.

дўстларим ҳам ишлашгапти. Катта корхонада яқин дўстлар билан ишлаш айни муддао.

Кези келганда айтиш керакки, бу йўналишда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Масалан, айни пайтда коллежларни битирган ёш мутахассисларни тўлиқ бандлик билан таъминлаш мақсадида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими вилоят бошқармаси ҳамкорлигида меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда. Шу кунгача жойларда 45 та ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Йил охиригача яна 25 та меҳнат ярмаркаси ўтказиш мўлжалланмоқда. Бу эса ҳеч бир мутахассис ишсиз қолмайди, деганидир.

Энди мана бу мисолларга эътибор қаратинг. “Хонқа” МТП негизда ташкил этилган “Автотехсервис” МЧЖ томонидан Хонқа қишлоқ ҳўжалиги, Хонқа агросаноат касб-ҳунар коллежларининг 50 нафардан зиёд амалиётчи ўқувчиларини бепул иссиқ овқат билан таъминлаш йўлга қўйилиб, амалиёт хоналари тўлиқ жиҳозланди. Богот энгил саноат ва Богот машичи хизмат касб-ҳунар коллежларининг 70 нафардан ортиқ битирувчилари тумандаги “Коттонтекст” қўшма корхонасида амалиётларини ўташган эди. Эндликда корхона уларни иш билан таъминлашни тўла қаролтади. Корхоналар томонидан амалиёт ўтаган битирувчиларга тушлик пули, йўл ҳақи ҳамда 30 фоизлик иш ҳақлари берилмоқда...

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Истиқлол — менинг тақдиримда ЧЕКСИЗ ИФТИХОР СУРУРИ

Ҳар доим мусобақаларда исми ёллон қилинаётганда, ҳаяжонланиб кетаман. Негаки, олис бир юртда мустақил Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишни ўзимнинг муқаддас бурчим, деб биламан. Қолаверса, мамлакатимизда биз, спортчиларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликни фақат кўлга киритган натижаларимиз орқали оқлай оламиз. Шу боис ҳам ҳар бир мусобақага жиддий ҳозирлик қўриб, юқори натижаларни кўлга киритишга интиламан.

Шу маънода, биз, спортчилар халқор спорт майдонларида эришган юксак натижаларимиз Истиқлол шарофати, Юртбошимизнинг ёш авлод камолоти йўлида кўрсатаётган беқиёс эътибор ва ғамхўрликларини тўғрисида деб биламиз. Қаранг, яқинда ёш футболчиларимиз Мексикада бўлиб ўтган жаҳон чемпио-

натида муносиб иштирок этишди. Жаҳоннинг кучли саккиз терма жамоасидан бири бўлиб Ўзбекистонимиз салоҳиятини, истиқлол фарзандларининг буюк интилишларини дунё ахлига намойиш этишди. Биргина ана шу муваффақият замирида ҳам мамлакатимизда спортга қаратилган эътибор мужассам. Қувонар-

лиси, ушбу жамоа таркибида мамлакатимизнинг барча худудларидан ёш футболчилар жалб этилганига гувоҳ бўлдик. Кўриниб турибдики, спорт мамлакатимизнинг барча жойларида бирдек шитооб билан ривожланыапти. Бу эса бизга чексиз гурур бағишлайди.

Истиқлол йилларида кўпбал хорик мамлакатларида ташкил этилган мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилиш насиб этди. Сафарлар чоғида амин бўлдими, мамлакатимизда спортга, айниқса, болалар спортига берилаётган давлат миқёсидаги ғамхўрликни ўзим борган бирор бир давлатда учратмадим. Буларнинг барчаси ёш авлоднинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб улгайиши йўлида яратиб бераётган беқиёс имкониятлари мевасидир.

Элшод РАСУЛОВ, бокс бўйича жаҳон чемпиони, икки қарра Осиё ўйинлари голиби.

Реклама ва эълонлар

UZTRANSOAZ
«ЎЗТРАНСПАЗ»
АКЦИЈОДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

Ҳурматли юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдати 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрга қадар республика тўлиқ газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

Case Service Tel: 130-50-90, 130-74-50

ОБ-ҲАВО
(28 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайдми. Кечаси 20-25, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жизжа ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайдми. Кечаси 19-24, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 17-22, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик кузатилмайдми. Ҳарорат тунда 20-22, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли худудлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 13-18, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 51824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Топширилди — 00.30